

**НАМАНГАНДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD. 03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**КОМИЛОВА ФОТИМА МАХМУДОВНА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАШКИЛОТЧИЛИК  
СИФАТЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошлангич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

УДК: 377/373:37.018.2(575.1)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Комилова Фотима Махмудовна**

Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларини такомиллаштириш .....	3
---	---

**Комилова Фотима Махмудовна**

Совершенствование методов формирования организационных качеств учащихся начальной школы .....	23
--	----

**Komilova Fotima Maxmudovna**

Improvement of methods for forming organizational quality in primary school students .....	45
---	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works .....	49
--	----

**НАМАНГАНДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD. 03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**КОМИЛОВА ФОТИМА МАХМУДОВНА**

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАШКИЛОТЧИЛИК  
СИФАТЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошлангич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.1.PhD/Ped 1653 рақам билан  
рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-  
саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))  
жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирқосимова Марғуба Мирқобиловна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хайдаров Мамат Эшқулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Сайдалиев Сайдумар**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети хузуридаги  
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақами Илмий кенгашнинг 2021 йил «22 09 соат 10<sup>00</sup> даги  
мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-үй. Тел.:  
(+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш  
мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси,  
316-үй. Тел.: (99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2021 йил «9» 09 куни тарқатилди.  
(2021 йил «9» 09 даги 2 рақами реестр баённомаси).



  
**Т. Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

  
**Ш. К. Хўжамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

  
**К. М. Боймирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш хузуридаги илмий  
семинар раиси, г.ф.д. доцент, (DSc)

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим тизимида ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ўзларига ишонч ва етакчилик қобилиятларини ривожлантириш, бўлажак бошқарувчиларни тайёрлашнинг муҳим омиллардан бири ҳисобланмоқда. АҚШ (Harvard University), Германия (University of Hidelberg), Англия (University of Oxford), Жанубий Корея (Аджу) университетларида инновацион стратегияларни ўқув машғулотларида қўллаш асосида ўқувчиларни мактаб жараёнига тайёрлаш, уларнинг ташкилотчилик, етакчилик сифатларини шакллантиришга хизмат қиласидаган самарали ишлар олиб борилмоқда.

Дунёда шахснинг етакчилик компетенцияларини ривожлантириш, замонавий талаблар асосида ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга доир қатор изланишлар давом этмоқда. Халқаро миқёсда шахснинг ташкилотчиликка тайёрлашни ривожлантириш, унинг методик амалиётини такомиллаштириш, халқ таълими тизимини модернизациялаш, интеграциялаш, компетенцияларга асосланган таълим дастурларини жорий этиш, илфор инновацион механизмларини ишлаб чиқиши, ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларининг такомиллаштиришни лойиҳалаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда таълим мазмунини янгилаш, таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган фанларнинг малака талаблари ва фан дастурларида белгиланган тарбия дарсларининг киритилиши, бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик, етакчилик фазилатларини шакллантиришга бўлган эътиборни қаратилиши, ўқув-тарбия жараёнини янада самарали бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 27 июндаги 5466-сон “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон “Бола ҳукуклари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа месъёрий-ҳукуқий хужжатлар, шунингдек юқоридаги қарорларда белгиланган вазифалар бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларини такомиллаштиришга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласиди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикаизда бошланғич синф ўқувчиларининг таълим жараёнида меҳнатсеварлик, етакчилик, фаоллик, инсонпарварлик, мустақил ишлашга ўргатиш ва ташкилотчилик сифатларини шакллантириш масалалари бўйича Х.Б.Алиқулова, Б.Р.Адизов, М.Ш.Аннамуратова, М.Б.Бекмуродов, Р.Ибрагимов, О.Н.Ибодуллаева, М.Иномова, Р.А.Мавлонова, М.Махмудова, Т.Н.Нажмитдинова, Р.Сафарова, А.Тешабоев, И.Узоқов каби олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Таълим жараёнининг турли босқичларида ўқувчиларининг бошқарувчилик, тарбиявий ишларни тизимлаштириш, дарсдан ташқари машғулотларни такомиллаштириш, ташкилотчилик сифатларини шакллантириш масалалари турли даврларда З.Э.Азимова, Т.М.Адизова, Н.Жамилова, Х.П.Назарова, Ш.У.Нуриллаева, М.Б.Рахимқулова, А.А.Рахматуллаев, С.Т.Турғунов, О.Хасанбоева, М.Э.Хайдаров ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида илмий инъикосини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг назарий-методик асослари А.Г.Асмолов, А.А.Беляев, Р.П.Бакутин Р.Р.Валирова, А.Занковский, Н.Кузмина, П.С.Красовский, Л.В.Карташова, А.Макименко, Н.Никитова, С.Фролов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хорижлик олимлардан F.Taylor, A.Fayol, H.I. Schein, S.A.Brown, S.Sales, C.R.Rogers томонидан ўқувчиларнинг мустақил таълим жараёnlарини ташкил этиш ва бошқаришнинг айrim жиҳатлари тадқиқ этилган.

Бироқ, келтирилган илмий изланишларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш фаолиятининг муайян тармоқлари тадқиқ қилинган бўлса-да, бошланғич синф ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методлари муаммоси доирасида маҳсус тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № КА-1-004 “Ўзбекистонда модернизация жараёnlари ва ёшларда инновацион онг шаклланишини амалий тадқиқ этиш” (2017-2019 йй.) мавзусидаги комплекс тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга хизмат қиласиган дидактик-психологик имкониятларга кўра мотивлаштириш воситаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари сифатида тадбиқ этиш;

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантирувчи когнитив жараёnlарда етакчилик фазилатларини шакллантириш босқичлари ва механизmlарини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёnlарини яхлит педагогик жараён сифатида моделлаштириш;

тадқиқот натижаларига кўра бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш жараёнларини сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, ташхис, педагогик тажриба синов, сұхбат, таққослаш, маълумотларни мужассамлаштириш, умумлаштириш ва математик-статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш, ривожлантириш жараёнларини вазиятларга кўра вертикал ва горизонтал мувофиқлаштиришга хизмат қилувчи мотивациянен воситаларни татбиқ этиш, уларни баҳолаш кўрсаткичлари ҳамда мезонлари сифатида белгилаш орқали ташкилотчиликка қизиқиши ривожлантирувчи жараёнлар такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш жараёнларига прагматик фикрлаш, ижодий мустақил ишлешни ташкил этиш ва ташкилотчилик сифатларини классификациялаш усулларини татбиқ этиш асосида ўқувчиларда етакчилик фазилатларини шакллантириш методлари такомиллаштирилган;

бошланғич синфларда етакчилик фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёнлари дидактик жараёнлар сифатида белгиланиб, барча компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи механизmlарни тизимлаштириш орқали ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш жараёнлари модели такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида етакчилик фазилатлари ва уларни ўзлаштиришнинг зарурати бўйича тушунчаларни шакллантириш жараёнларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш технологияларини татбиқ этиш орқали ўқув-тарбиявий ва ўқув-технологик тизимни шакллантириш механизmlарни такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга хизмат қилувчи педагогик имкониятлари аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик компетентлигини шакллантириш методлари таҳлил қилинган;

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш жараёнларининг мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларининг алгоритмик боқичлари аниқлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган методлар, усуллар, фойдаланилган назарий маълумотлар расмий манбалардан

олинганлиги, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар, тажрибасинов ишларининг самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингандиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангандиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ва фаолиятга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришга оид назарий ёндашувлар ёритилгандиги, ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга хизмат қилувчи дидактик-психологик имкониятлар такомиллаштирилгандиги, ташкилотчилик компетентлигини шакллантириш методлари аниқлангандиги, ва ташкилотчилик сифатларини шакллантириш модели ишлаб чиқилгандиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг илмий-педагогик тавсифи, ўзига хос хусусиятлари билан белгилангандиги, ўқитиладиган фанларда такомиллаштирилган малака талаблари ҳамда фандастурларини ишлаб чиқишида ташкилотчилик фаолиятига тайёрлаш бўйича компетенцияларнинг аниқлаштирилгандиги, тадқиқот доирасида услубий тавсиялар ишлаб чиқилгандиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларини такомиллаштиришга оид тадқиқот натижалари асосида:

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи жараёнларни вазиятларга кўра верикал ва горизонтал мувофиқлаштиришга хизмат қилувчи мотивацион воситалар орқали баҳолаш кўрсаткичлари уларда ташкилотчиликка қизиқишини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялардан FZ-202001064 Олий таълим муассасалари негизида мактабгача таълим (МТТ) ходимларини касбий компетенцияси ва методик таъминотини такомиллаштириш мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 8903-4818-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларини ташкилотчилик фаолиятига тайёрлаш технологияларини қўллаш механизмлари такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ва ривожлантирувчи жараёнларда етакчилик фазилатларини шакллантириш, прагматик фикрлаш, ижодий мустақил ишлаш ва ташкилотчилик сифатларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 2015- 2017 йилларда бажарилган А-1-41рақамли “Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув ишлаб-чиқариш тизимида миллий анъанавий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 8903-4818-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларини ташкилотчилик фаолиятини ташкил этиш жараёнларида узвийликни таъминлашга эришилган;

бошланғич синф ўқувчиларида етакчилик фазилатлари ва уларни ўзлаштиришнинг зарурати бўйича тушунчаларни шакллантириш жараёнларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш технологияларини татбиқ этиш орқали ўқув-тарбиявий ва ўқув-технологик тизимни шакллантириш механизмлари такомиллаштирилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 8903-4818-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга йўналтирилган, таълим тизимини бошқариш жараёнларининг методик таъминоти бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги анжуман ва семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилингандиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув кўлланма, 1 та услубий кўлланма, халқаро журналларда 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий атtestация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, жумладан,

3 та республика, 2 та хорижий журналларда ҳамда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хуоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг “**Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг назарий методологик асослари**” деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларини такомиллаштиришнинг ижтимоий зарурат сифатидаги талқини, илмий-назарий масалалари ва педагогик шартлари, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг мавжуд ҳолати баён қилинган.

Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда уларнинг ёш, психологик ва физиологик хусусиятлари, шунингдек, лаёқат, қизиқиши ва қобилиятларини инобатга олиш кутилган натижага эришилишига ёрдам беради.

“Ташкилотчилик”, “етакчилик”, “лидерлик”, “сардорлик” ва “йўлбошчилик” тушунчаларнинг луғавий маънолари билан танишиш улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик, жамоа фаолиятини ташкил этилиши, аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ягона мақсад, умумжамоа

манфаатлари сари йўналтирилиши, жамоа фаолияти мазмунини ғоявий жиҳатдан бойитилиши ҳамда такомиллаштирилишида ишонч ҳосил қилинди. Тушунчалар ўртасидаги фарқ эса улар ёрдамида ифодаланган сифатларга эга шахс томонидан жамоа фаолиятига турлича таъсир ўтказилиши (ташкил этиш, уюштириш, режалаштириш (дастлабки босқич)); жамоа фаолиятини йўналтириш, йўл-йўриқ кўрсатиш, ғоявий раҳбарлик қилиш (жараённи тартибга солиш, бошқариш (асосий босқич)да яққол намоён бўлади.

Ташкилотчилик сифатлари-бу ўқувчининг ижтимоий фаоллиги бўлиб, дарс ва дарсдан ташқари таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш жараённида унинг фаоллиги ортиб боради. Бу борада ўқитувчи уларни ушбу жараёнга фаол жалб этиши ва руҳан кўллаб-қувватлаб туриши, ижодий муҳитни яратиб бериши лозим. Назарий таҳлил ва ўқувчилар фаолиятини кузатиш уларда қуйидаги ташкилотчилик сифатларини самарали шакллантириш мумкин деган ишончнинг юзага келишини таъминлади (1-расмга қаранг).



### 1-расм. Ўқувчиларда намоён бўладиган ташкилотчилик сифатлари.

Ташкилотчиликнинг ўзига хос сифатлари: ички сезирлик, хушёрлик, хиссий-иродавий таъсир эта олиш, ташкилотчилик фаолиятига мойилликни ўз ичига олади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий психологик ва педагогик тизим, “Ўқувчи – ўқитувчи – ўқувчи” муносабатларида обьект – субъект – обьект ўзаро таъсирини юзага келтиради ва оқибатда ўқувчи ўқитувчидаги ташкилотчилик сифатларини ибрат-намуна тарзида ўзлаштира бориб, ўзидаги шундай сифатларни аниқлаш, намоён этишга шароит яратади.

Бошлангич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга тизимли ёндашув асосида мазкур муаммони ҳал этиш йўллари, омиллари, шакллари, методлари, педагогик шаклланувчи сифатлар аниқлаштирилди (2-расмга қаранг).

## ЎҚУВЧИЛАРДА ТАШКИЛОТЧИЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ



Ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг йўллари, индивидуал ва умумий педагогик талабларни кўйиш, анъаналарни таркиб топтириш, жамоа имкониятларидан тўғри фойдаланиш, ўз-ўзини бошқаришига эришиш, ОАВ хизматидан фойдаланиш, таълим муассасаси ва оиласлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка эришиш.



**Омиллари:** таълим муассасаси ва оиласларнинг имкониятлари, ўқитувчилар ва ота-онасларнинг методик тайёргарликлари, манбалар, илфор тажрибалар, илмий тадқиқотлар, оммавий ахборот воситалари.



**Шакллари:** ўйин технологияларига асосланиши, индивидуал ва жамоавий топширикларни бериш, ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини йўлга кўйиш.



**Методлари:** кузатиш, тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, намуна кўрсатиш, ишонтириш, баҳолаш, ўйин, амалий машқлар, топшириклар, педагогик талаб.



**Педагогик шаклланувчи сифатлар:** киришимлилик, харакатчанлик, зукколик, мустақиллик, масъулнамалик, тартиблилик, ташаббускорлик, фаоллик, ижодкорлик, лидерлик, жамоа аъзоларига ишонч, жамоа билан бирликка интилиш.

### 2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга тизимли ёндашув.

Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини ривожлантириш ва фанлар кесимида “Ўзбек тили” ва “Одабнома” фанлари доирасида олиб борилиши самарали натижаларга олиб келади.

1-синф “Ўқиши” китобининг “Амур Темур”, “Муҳаммад ал-Хоразмий”, “Ғазал мулкининг султони”, “Абу Али ибн Сино”, “Буюк мунахжим”, “Шоҳ ва шоир”, “Шамол ва қуёш”, “Ростгўй бола”, “Ақлли қарға”, “Ширин уйқу”, мавзулари орқали ўқувчиларда ташкилотчилик, уддабуронлик, ақл-идроклиник, тадбирлилик, ростгўйлик сифатларини шакллантириш ва методик жиҳатдан такомиллаштиришга эришиш мумкин.

2-синф “Ўқиши” дарсининг “Тандир” ривояти, “Ажойиб баҳс”, “Мукофот”, “Саёқ бола”, “Энг яқин дўстим”, “Кекса кулол ва шогирд”, “Уч ўғил”, “Ибн Синонинг ёшлиги”, “Амур Темур ҳақида ҳикоя”, “Нима эксанг – шуни ўрасан”, “Таъзир” ҳикоялари орқали ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришни босқичма-босқич олиб боришга эришилди.

3-синф “Ўқиши” дарсининг “Унутилмас байрам”, “Ҳисобда адашган бола”, “Илмнинг омонати”, “Ўн тилла омонат ҳақида эртак”, “Буюк бобомиз буюк ҳикматлари”, “Лол бўлган тулки”, “Донишманд йигит” эртак ва ҳикоялари мазмунини таҳлил қилиб, ушбу мавзулар доирасида ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг амалиёти ва назариётини

такомиллаштиришга ва ўқувчиларнинг ижодий билиш жараёнини ташкил қилишга эришиш мумкин деган холосага келдик.

4-синф “Ўқиши” дарснинг “Китобга ихлос”, “Донишманд устоз”, “Тўмарис”, “Паҳлавон ва шоир”, “Данак ичидағи дараҳт”, “Дўстлик”, “Яхши ният”, эртак, шеър ва ҳикоялари орқали ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда таянч компетенциялар, рефлексив ва мотивацион жараёнларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Тарбия ўқув предметини ўқитиши орқали ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш, қоидаларга амал қилиш, ўзининг кун тартибини билиш орқали янги режалар тузиш, атрофидагиларга нисбатан ҳурмат-иззатда бўлиш, ўз бурч ва маъсулиятини англашган ҳолда барча ресурсларни асрабавайлаш, табиат қўйнида мароқ билан меҳнат қилишроҳат эканлигини англаш, одатланиш сифатларини шакллантиришга эришиш мумкин.


Жумладан 1-синф “Тарбия” дарслигига “Яхши ва ёмон одатлар”, “Софтанда – соғлом ақл”, “Дастурхон атрофида ўтириш одоби” ва “Жамоат жойларида ўзини тутиш” мавзулари орқали ўқувчиларда инсонийлик, бурч, маъсулият ҳамда ташкилотчи сифатида шаклланишида атроф-муҳитнинг бевосита таъсири ҳақидаги билимларни улар онгига шакллантириш мумкин.

2-синф “Тарбия” дарслигига “Яхши ва ёмон одатлар”, “Тартиб ва интизом-муваффақият сари илк қадам” каби мавзулар орқали ўқувчиларда шахсий маъсулият, ўзига бўлган ишонч, бошқаларга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш компетенцияларини ривожлантиришга эришиш мумкин.

3-синф “Тарбия” дарсларида келтирилган “Озодалик – инсон кўрки”, “Озодаликни хонамиздан бошлаймиз” ва “Кийиниш маданияти” мавзулар доирасида бошланғич синф ўқувчиларини ёшлигиданоқ ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, ўз хонасидаги тартиб интизомни ташкил этишга қаратилган элементларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Ватанни севиш, яқинларини эъозлаш, ўзи яшаб турган жойига нисбатан меҳр-муҳаббатда бўлишга ундовчи мавзулар орқали ўқувчиларда бевосита ўзига бўлган ишончни уйғотиш мумкин. Дарс вақтида олган билимларини мустаҳкамлаш асосида тадбирлар, хусусан, эрталиклар, кечалар, беллашувларни ўтказиш кутилган натижани беради.


Диссертациянинг “Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларини такомиллаштириш” деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқувчилари ташкилотчилик сифатларини шакллан

тиришга тизимли, методик ёндашув асосида таълим муассасалари, жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида педагогик фаолиятни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқот ишимиз жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини дарс машғулотларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларининг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



**3-расм. Дарс машғуотларида ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларининг такомиллаштирилган модели.**

Тадқиқот ишимиз жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларини такомиллаштиришнинг тўрт босқичи аниқланди ва қуйидагича асосланди (4-расмга қаранг).



**4-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларининг такомиллаштириш босқичлари**

Ушбу босқичлар мантиқан бир-бирига боғлиқ бўлиб, ҳар бири кейинги босқичга таяниб амалга оширилади, бу эса ташкилотчилик сифатларини шакллантириш жараёнининг мазмунини белгилайди. Ўқиши ва одобнома (тарбия) дарсларининг турлари. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнидаги дарслар қуйидаги белгиларига кўра фарқланади (5-расмга қаранг).

### Таълимнинг предметига кўра



- а) „Ўқиши“ дарслиги асосидаги дарслар;
- б) „Одобнома“ (Тарбия) дарслари асосида.

### Таълимнинг даври ва босқичларига кўра:



- а) 1 -2 синф даврдаги дарслар;
- б) 3-4 синф дарс жараёнидаги машғулотлар.
- с) синфдан ташқари машғулотлар.

### Дарсда янги мавзуу ўтишини ва ўтилмаслигига кўра:



- а) эртак ва ҳикояларни ўрганишга қаратилган ўқиши дарслари;
- б) янги мавзуни тушунтириш дарслари;
- д) янги мавзуу ўрганилмайдиган дарслар;

## 5-расм. Ўқиши ва одобнома (тарбия) дарсларининг турлари

Дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар тизими ўкув жараёни босқичлари асосида “Ўқиши” ва “Одобнома” (тарбия) дарслари муайян гурухини ажратишни кўзда тутади. Амалдаги “Тарбия” дарслиги ва қўлланмаларга асосан бошланғич синф босқичида соатлар ажратилган бўлиб, таълимнинг ҳар бир босқичида дарснинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Дарслар қурилишида ички мантиқийлик бўлиб, ҳар бир дарсда мавзуу, ҳикоя ва эртак мазмуни ўрганиладиган дарс билан янги мавзуу ўрганилмайдиган дарсни навбатлаштириш, ўкувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга кўйилган талабларга риоя қилинган ҳолда дарслар умумлаштириш такрорлаш дарси билан якунланади.

Ўкувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга қаратилган педагогик фаолиятнинг ўйин технологияларига асосланиши, индивидуал ва жамоавий топшириқларни бериш, ўкувчиларнинг амалий фаолиятга жалб қилиниши, жамоаларида ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг йўлга кўйилиши каби шаклларда ташкил этилиши кутилган натижаларга имконият яратади. Ўйин технологияларининг катта тарбиявий имкониятга эгалиги ўкувчиларнинг фаолликларини ошириш билан бирга уларда ташкилотчилик, етакчилик сифатларининг самарали шаклланишига ёрдам беради. Масалан: “Афзаллик матрицаси”, “Геометрик шакл” ўйини”, Гозларнинг турнақатор парвози, “Кеманинг чўкиши” каби ўйинлар шулар жумласидандир. Тадқиқот ишимиз доирасида бошланғич синф ўкувчиларнинг ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги фаолияти мураккаб кўринишга эга бўлиб, мазкур жараён самарадорлигини оширишнинг методик таъминотини ишлаб чиқишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.(6-расмга қаранг).

**Ижтимоий буюртма:** ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг асосий субъектлари сифатида ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро хайрихоҳлиги ҳамда ҳамкорлигини таъминлайдиган яхлит педагогик мухитни шакллантириш

<b>Мақсад:</b> Оила ва мактаб ҳамкорлигининг ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш таъминотини яратиш					
<b>Методологик блок</b>	Вазифалар	Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги ни йўлга кўйиш	Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш мақсадида ўқитувчилар ва ота оналарнинг биргаликдаги фаолияти ва юзага келадиган қўйинчиликларни таҳлил этиш	Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш фаоллиги, турли хил қизиқишилар, масъулият хисси, ўзини-ўзи назорат қилиш хурмат ва сабрлиликни ривожлантиришга эришиш	
<b>Амалий блок</b>	Босқичлари	1.Мотивацион. 2.Коммуникатив-фаолиятли.3.Когнитив.4.Рефлексив			
	Мазмуни ва ташкилий шарт-шароитлар	1.Инновацион (таълим жараёнининг асосий субъектлари сифатида ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро биргаликдаги фаолияти). 2. Маданият билан уйғунлик (ижтимоий-маданий мухити, шунингдек, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг педагогик маданияти). 3.Лойихалаш (таълим мухитининг ўзига хосликлари билан алоқадорликда таълим мухитини лойихалаш). 4.Мажмуавийлик (ҳамкорлик жараёни иштирокчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш қобилиятларни шакллантиришнинг ўзаро алоқадорлигини хисобга олиш)			
<b>Бахоловчи-натижавий блок</b>	Мезонлари	Мотивацион	Коммуникатив-фаолиятга доир	Когнитив	Рефлексив
	Кўрсат-кичлари	Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ўқитувчилар ва ота-оналарнинг интилиши ва ижобий муносабати	Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда ўқитувчилар ва ота-оналарнинг педагогик нұқтаи назарининг мослиги уларнинг ҳамкорлиқда интегратив фаолиятни лойихалаш ва амалга ошириши	Ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш ўқитувчилар ва ота-оналарнинг педагогик ҳамкорлик фаолиятининг назарий асосларини ўзлаштириши	Мазкур жараённи такомиллаштириш учун ўқитувчилар ва ота оналарнинг фаолиятини ҳамкорлик моделини амалга оширилиш даражасини таҳлил қилиш
	Даражалари			Юкори, ўрта, паст	
	Натижа	Ўқувчиларни ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ҳамкорлиқдаги фаолияти мустаҳкамланди ва жараёнининг педагогик таъминоти тўлдирилди			

**6-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда оила ва мактаб ҳамкорликнинг такомиллаштирилган механизми.**

Диссертациянинг “Тажриба синов ишларининг ташкил қилиш ва эришилган натижалар таҳлили” деб номланган учинчи бобида бошланғич синф ўқувчилари ўртасида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш усуллари ва омилларини ўрганиш услуби; педагогик жараёнда муҳим жиҳатларини шакллантириш мезонлари, босқичлари динамикаси; бошланғич синф ўқувчиларида фаоллик, мустақиллик, мақсад сари интилиш, етакчилик сифатларини шакллантириш орқали уларни ташкилотчилик фаолиятига тайёрлаш бўйича тажриба-синов ишларининг турли методлар орқали самарадорлиги натижалари таҳлил қилинган.

Синов учун тавсия этилаётган ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларини такомиллаштиришга доир самарадорлигини объектив баҳоланишини таъминлаш мақсадида асосий респондентлар бўлган ўқувчилар тажриба ва назорат синфларига бириктирилди. Тажриба ва назорат синфларига бириктирилган респондент-ўқувчиларнинг сони тегишли равишда 292 ҳамда 295 нафарни ташкил этди.

Педагогик тажриба синов ишлари Андижон вилояти Избоскан тумани 23-, 31-, Асака тумани 43-, 47-умумий ўрта таълим мактаблари, Наманган вилояти, Наманган тумани 7-, 11-умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда Фаргона вилояти Риштон тумани 3-, 13-умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида олиб борилди.

Биринчи синф ўқувчиларининг кўшиб ўқиши, ўқиб тушуниш ва саволларга жавобларни беришда ёзиш кўникмаларининг суст шаклланганлигини инобатга олиб биринчи синф ўқувчилари жалб этилмади. Бошланғич синф ўқувчиларининг иккинчи ва учунчи синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган тажриба синов ишлари синф раҳбарлари ва фан ўқитувчилари ёрдамида амалга оширилди.

### **Тажриба-синов ишларига жалб қилинган респондентлар сони**

1-жадвал

Тоифаси	Ўқувчилар	Синф раҳбарлари	Ўқитувчилар	Ота-оналар
Сони (нафар хисобида)	587	20	30	543

Тажриба синов даврининг умумлаштирувчи босқичида аввалги йилда учинчи синфда бўлган ўқувчилар бу йили тўртинчи синф ўқувчилари сифатида иштирок этдилар ва самарадорлик кўрсаткичини аниқлашга мўлжалланган сухбатлар, сўровномалар, тестлар ва бир қатор усуллар орқали аниқлаштирилди. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларини ўстиришда турли топширикли машғулотлардан кам фойдаланишлари, дарсларни ўйинлар асосида қизиқарли ташкил этилмаслиги, дарслар вақтини тўғри тақсимлаб, унумли

фойдалана олмасликлари маълум бўлди.

Тавсия этилаётган методик қўлланма ва тавсиялар танлаб олинган мактаб ўқитувчилари орасида муҳокама қилиш, ютуқ ва камчиликларини кўриб чиқиш учун тақдим этилди. Барча ўқитувчилардан олинган мулоҳаза ва таклифлар, эътиrozлар, қарама-қарши фикрлар ўрганиб чиқилди. Тажриба даврида синов ишларининг асосий субъектлари бўлган респондентлар сонини аниқлашга ҳам эътибор қаратилди. Юқорида кўрсатилган тажриба майдонлари бўйича синов ишларига қуидаги респондентлар жалб қилинди.

**Респондент-ўқитувчилар томонидан ўқувчиларда  
ташкилотчилик сифатлари мавжудлигининг баҳоланиши**  
(асословчи тажриба)

2-жадвал

Синфлар	Ўқувчилар сони	Даражা кўрсаткичлари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	292	—	119	173
Назорат	295	—	116	179


Жадвалдан англанадики, ҳар икки синфда ҳам респондент-ўқитувчилар ўзлари таълим бераётган ўқувчиларининг ташкилотчилик сифатларига эгаликларини юқори даража деб ҳисоблашмайди.

Бироқ ўқитувчиларнинг кўрсатмалари ва ёрдамлари билан жамоани ўюштириш, жамоа томонидан муайян фаолиятни ташкил этишда нисбатан фаоллик кўрсатувчи ўқувчилар (тажриба ва назорат синфлари бўйича (119/116 нафар) ҳам мавжуд. Уларнинг бу борадаги иштироклари ўқитувчилар томонидан ўртacha деб топилган. Аммо ўқитувчиларнинг фикрларига кўра, ҳар икки синфда ҳам ташкилотчилик сифатларига эга бўлмаган ва жамоат ишларида иштирок этмайдиган ўқувчилар сони кўпчиликни (тегишли равишда 173/179 нафар ҳисобида) ташкил этади.

Педагогик тадқиқотларда муайян маънавий-ахлоқий сифатга эгалик ёки маълум фаолият кўнишка ва малакаларнинг шаклланганлик ҳолатига баҳо беришда даражалар белгилаш анъанаси мавжуд. Юқорида келтирилган мезонлар бўйича ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларининг шаклланганлик даражаларини аниқлашга ҳам эътибор қаратилди.

Мазкур параграфда келтирилган жадвалларнинг кўрсаткичлари тажриба ва назорат синфларида ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларига эгаликлари ўртасида кескин фарқ мавжудлигини кўрсатади. Унга кўра турли методлар қўлланилиб, тажриба синфлари ўқувчиларининг ташкилотчилик кўнинмалари самарали шакллантирилган бўлса, назорат синфларида ўсиш кузатилмаган деган хulosага келинди (7-расмга қаранг).

### Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатлари мавжудлигининг баҳоланиши



### 7-расм. Бошланғич синфда ўқувчиларниң ташкилотчилик сифатлари мавжудлигининг баҳоланиши


Математик-статистик таҳлили учун респондент-ўқитувчиларниң бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларининг мавжудлиги борасидаги ёндашувлари, яъни 2-жадвал қўрсаткичлари қабул қилинди. Математик-статистик таҳлил ғояларига кўра, мазкур босқичда ҳам дастлаб тажриба ва назорат синфларида қайд этилган қўрсаткичлар мос равишда 1- ва 2-танланмалар белгиланиб, вариацион қаторлар ҳосил қилинди.

### Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методлари шакллантириш юзасидан ўтказилган тадқиқот бўйича якуний тақсимот

3-жадвал

Синфлар	Ўқувчилар Сони	Танланмалар	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	292	1-танланма	172	82	38
Назорат	295	2-танланма	92	94	109

Тажриба-синов натижалари таҳлилига кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба гурухи ўқувчилари, тадқиқот жараёнига жалб этилган назорат гурухи ўқувчиларига нисбатан ташкилотчилик сифатлари фаолроқ намоён бўлиши аниқланди. Тажриба-синов натижаларини статистик таҳлил қилиш учун Стыюдент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гурухда қайд этилган қўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида куйидаги диаграммани ҳосил қиласиз (8-расмга қаранг).



**8-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш юзасидан ўтказилган тадқиқот бүйича якуний тақсимот диаграммаси.**

Диаграммадан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги юқори ва ўрта кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори экан. Энди 3-жадвал маълумотларини математик статистик таҳлил қиласиз. Тажриба гуруҳининг статистик кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда  $X_i$ ,  $n_i$  лар ва шу каби назорат гуруҳининг статистик кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда  $Y_j$ ,  $m_j$  лар орқали белгилаб, статистик гуруҳланган вариацион қаторлар тузилади. Шунингдек, юқори кўрсаткични 3 балл билан, ўрта кўрсаткични эса 2 балл билан ва паст кўрсаткични 1 балл билан белгилаймиз.

Тажриба синфларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$\begin{cases} X_i & 3 & 2 & 1 \\ n_i & 172 & 82 & 38 \end{cases} \quad (n = 292)$$

Назорат синфларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$\begin{cases} Y_j & 3 & 2 & 1 \\ m_j & 92 & 94 & 109 \end{cases} \quad (m = 295)$$

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида (2) формуладан фойдаланамиз:

$$\begin{cases} X_i & 3 & 2 & 1 \\ P_i & 0,59 & 0,28 & 0,13 \end{cases} \text{ ва } \begin{cases} Y_j & 3 & 2 & 1 \\ P_j & 0,31 & 0,29 & 0,4 \end{cases}$$

Статистик таҳлилни ҳар икки гурух бүйича ўртача ўзлаштиришларини хисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари тажриба якунида қийидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^3 P_i X_i = 0,59 \cdot 3 + 0,28 \cdot 2 + 0,13 \cdot 1 = 1,77 + 0,56 + 0,13 = 2,46$$

$$\bar{X}\% = \frac{2,46}{3} \cdot 100\% = 82\%$$

Фоизда

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^3 q_j y_j = 0,31 \cdot 3 + 0,32 \cdot 2 + 0,37 \cdot 1 = 0,93 + 0,64 + 0,37 = 1,94$$

$$\text{Фоизда } \bar{Y}\% = \frac{1,94}{3} \cdot 100\% \approx 64,7\%$$

Демак, тажриба гурухидаги ўртача ўзлаштириш  $82 - 64,7\% = 13,7\%$  га юқори экан. Бу эса ўз навбатида  $\frac{82\%}{64,67\%} = 1,26$  баробар ортиқлигини англатади. Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба яқунидаги ҳолат учун топилған натижалардан ўртача қиймат, танланма дисперсия, вариация күрсаткичлари, Стыюдентнинг танланма мезони, Стыюдент мезони асосида әркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди.

4-жадвал

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$C_x$	$C_y$	$T_{x,y}$	$K$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_x$	$\Delta_y$
2,46	1,94	0,5084	0,6764	1,6 9	2,4 6	8,33	576,3	60,41	0,0 8	0,0 9

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат күрсат гичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум  $\bar{X}=2,46$ ;  $\bar{Y}=1,94$ ;  $\Delta_x = 0,08$ ;  $\Delta_y = 0,09$  га teng.

Бундан сифат күрсаткичлари:

$$K_{yeb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,46 - 0,08}{1,94 + 0,09} = \frac{2,38}{2,03} = 1,17 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,46 - 0,08) - (1,94 - 0,09) = 2,38 - 1,85 = 0,53 > 0;$$

Ҳосил бўлган күрсаткичлар тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳоловчи мезоннинг бирдан катталиги билан ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатлари шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонининг нолдан катталиги тасдиқлайди. Бу ҳолат тажриба гурухи натижаларининг назорат гурухи натижаларидан юқори эканлигини ифодалайди ва тажриба-синов ишларининг самарали ташкил этилганлиги тўғрисидаги хulosани тасдиқлайди.

Шундай қилиб, тажриба майдонлари сифатида танланган умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш мақсадида турли методлар қўлланилди ҳамда тажриба синфларида ўқувчиларининг ташкилотчилик сифатларига эга бўлишлари таъминланди. Асословчи тажриба даврида респондент-ўқитувчилар, синф раҳбарлари ва ота-оналарнинг ёндашувларига кўра тажриба ва назорат синфларига бириктирилган ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларига эгаликларини намоён этувчи кўрсаткичлар ўртасида сезиларли фарқ мавжуд эмас деган хulosага келинди.

Шакллантирувчи тажриба даврида мазкур тавсияларнинг амалиётга

мослиги ва самарадорлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Шундай қилиб, асословчи тажриба таълим мазмуни ва педагогик амалиёт ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини ўзлаштириш имкониятини мавжудлигига қарамай, умумий ўрта таълим мактабларининг аксариятида мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши эътибордан четда қолган. Айни вақтда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг пухта асосланган дидактик технологиялар тизимиға эга бўлиш эҳтиёжи мавжуд.

Бундан кўринадики, биз олиб борган тажриба синфида тадқиқотлар назорат синфида олиб борилган ишдан самарали эканлиги статистик усуслар орқали тасдиқланди. Тажриба гуруҳидаги самарадорлик 13,7 фоиз юқорилиги исботланди. Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлиги билан бирга бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш борасидаги назарий билим ҳамда амалий кўникма ва малакаларга эгалиги таъминланди.

## ХУЛОСА

Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатлари шакллантириш методлари бўйича тадқиқот натижалари асосида қўйидаги хulosаларга келинди;

1. Муаммони назарий ўрганиш ва педагогик қузатиш бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик негизида акс этувчи киришимлилик, ўзини-ўзи баҳолаш ва бошқариш, синф жамоаси билан бирликка интилиш, синфдошларига нисбатан ижобий муносабатда бўлиш, ўзаро диалогни самарали ташкил этиш, серҳаракатлилик, лидерлик каби сифатларни шакллантириш имкониятига эгалигини тасдиқлади.

2. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга хизмат қилувчи дидактик-психологик имкониятлар (муаммоли топшириқларни еча олиш, ўзаро ёрдам, ўзини-ўзи баҳолаш, мустақил қарор қабул қилиш) ва ўқитувчи шахсининг индивидуал ёндашуви ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини ривожлантиришни таъминлади.

3. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантирувчи когнитив жараёнларида уларнинг етакчилик компетентлигини шакллантириш методлари (янгиликларни қабул қилишга ўргатиш, прагматик фикрлашга ундаш, ижодий мустақил ишлашни ташкил этиш) аниқланди.

4. “Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга йўналтирилган дидактик жараён модели” ташкилий-методик компетенциялари (мотивацион, рефлексив, таянч, коммуникатив, ўзини-ўзи ривожлантириш ҳамда миллий ва умуммаданий компетенция) асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

5. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, ўқув-

тарбиявий, ўқув-технологик тизимини ташкил этиш ҳамда интерфаол таълим усулларидан фойдаланиш уларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш самарадорлигини ошириш имконини беради.

6. Синов ишларининг умумий натижалари ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантириш методларини такомиллаштириш муваффақиятли шаклланганлигидан далолат берса, таъкидловчи тажриба натижаларининг математик-статистик таҳлили эса тадқиқотнинг самарали якунланганлигини тасдиқлади.

**Тадқиқот асосида қўйидаги услубий тавсиялар ишлаб чиқилди:**

1. Бошланғич синф ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда таълим муассасалари қошидаги “Камалак” болалар ташкилоти аъзоларини жалб қилиш, “Ёшлар иттифоқи” фаоллари имкониятларидан фойдаланиш ва узвий алоқадорликни таъминлашга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

2. Тортинчоқ, камгар, фаол бўлмаган ўқувчиларни индивидуал хусусуятларини ҳисобга олган ҳолда, турли ҳаракатли ўйинлар ва ижодий фаолиятга жалб этишда алгоритмик босқичлар орқали ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга эришиш мумкин.

3. Оммавий ахборот воситалари орқали ўқувчиларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга хизмат қилувчи материалларнинг ёритиб борилиши, болалар мотивациясини қучайтириши мумкин. Бу эса таълим сифатини янада ортишига хизмат қиласди.

4. Мактабдан ташқари муассасалар ёрдамида ўқувчиларнинг ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга оид тарбиявий тадбирларни горизонтал ва вертикал равишда тизимли йўлга қўйилишига эришиш таълим мувафаққиятини белгилайди

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/04.06.2020.Ped.76.02. ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  
**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

---

**КОМИЛОВА ФОТИМА МАХМУДОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ФОРМИРОВАНИЯ  
ОРГАНИЗАЦИОННЫХ КАЧЕСТВ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОЙ  
ШКОЛЫ**

**13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (начальное образование)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2021.1.PhD/Ped 1653.

Докторская диссертация выполнена в Андиканском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-сайте Научного совета ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Миркосимова Маргуба Миркобиловна.**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Хайдаров Мамат Эшкулович**  
доктор педагогических наук, профессор  
**Сайдалиев Сайдумар**  
кандидат педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета Наманганского государственного университета, доктор философии (PhD) по педагогическим наукам (PhD) 03 / 04.06.2020.Ped.76.02 в 2021 году в «21 09 часов 10». (Адрес: 160119, город Наманган, улица Бабур шаха, 161, конференц-зал Наманганского государственного университета. Тел.: (+99869) 228-85-01); факс: (+99869) 228-85-02, электронная почта: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирован под 1). (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, 316. Тел.: (+99869) 227-29-81)


Автореферат диссертации выдан 2021 «9» 09.  
(Протокол реестра № 2 от 2021 г. «9» 09).



  
**Т.Файзуллаев**

Председатель научного совета  
по присуждению учёных  
степеней, д.с.н., профессор  
**Ш.К.Хужамбердиева**

  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, доктор  
философии по пед. наукам (PhD)

  
**К.М.Боймирзаев**

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.г.н. (DSc), доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))**

### **Актуальность и востребованность темы диссертации.**

Формирование организационных качеств студентов в глобальной системе образования - один из важных факторов развития уверенности в себе и лидерских качеств, подготовки будущих менеджеров. Университеты США (Гарвардский университет), Германии (Хайдельбергский университет), Англии (Оксфордский университет), Южной Кореи (Аджу) эффективно работают над подготовкой студентов к школьному процессу, формированием их организационных и лидерских качеств на основе применение инновационных стратегий в классе.

В мире проводятся ряд исследований по развитию лидерских качеств личности, совершенствованию педагогических механизмов формирования организационных качеств студентов на основе современных требований. На международном уровне важно развивать организационные навыки, совершенствовать свою методологическую практику, модернизировать и интегрировать систему государственного образования, внедрять образовательные программы, основанные на компетенциях, развивать передовые инновационные механизмы, методы проектирования для улучшения организационных навыков студентов.

Реформы, проводимые в стране по обновлению содержания образования, повышению эффективности обучения и воспитания, приносят свои плоды. «Внедрение учебных предметов, определенных в квалификационных требованиях и научных программах предметов, преподаваемых в общеобразовательных школах, внимание к формированию организационных и лидерских качеств у учащихся начальных классов.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, намеченных на указе Президента Республики Узбекистан от 5 июля 2017 года № УП-5106 «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана», 27 июня 2018 года № УП-5466 о государственной программе «Будущее нашей молодежи», постановление Президента Республики Узбекистан от 22 апреля 2019 г. № ПП-4296 «О дополнительных мерах по дальнейшему усилению гарантий прав ребенка» и других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Такие ученые, как Х. Б. Аликулова, Б.Р.Адизов, М.Ш.Аннамуратова, М.Б.Бекмуродов, Р.Ибрагимов, О.Н.Ибодуллаева, М.Инамова, Р.А.Мавлонова, М.Махмудова,

